

АВГУСТ — ҲОСИЛГА — ҲОСИЛ ҚЎШИШ ОЙИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИҚИШИ
№ 152 (5245).
2
АВГУСТ
ЖУМА
1974 ЙИЛ.
Баҳоси 2 тийин.

МАҚСАДИМИЗ — 45 ЦЕНТНЕР

Йил фасли ҳаргил бирдек келавермайди. Айниқса, бу йил об-ҳаво мураккаб бўлди. Шунга қарамай азамат деҳқонлар қийинчиликлари енгиб мўл ҳосил етиштиришмоқдалар. Биз бу йил 105 гектар пахта майдонидеҳқончилик қилишимиз. Зиммага олган мажбуриятимиз ҳам катта. Ҳар гектар ердан 45 центнердан «оқ олтин» етиштиришимиз, деб қарор қилганимиз. Ҳосил ваъда билан эмас, меҳнат билан бунёдга келишимиз бригадани пахтакорлари жуда яхши билишди. Шунинг учун ҳам гўза парваршида бир жону, бир тан бўлиб тайёр-ҳўжмат билан ишламоқдалар. Натижа ёмон бўлаётти.

Йилда Жиззах область пахтакорларининг етиштирилган ҳосилимиз ва бригадани пахта далаларида бўлишди. Ўзга парваршидаги ишларимиз билан яқиндан танишди. Ҳар гектар ердан 45 центнердан «оқ олтин» етиштирилган камчиликларни очиб ташлашди.

Совхозимиз пахтакорлари август ойини гўза парваршида зарбдор ой деб эълон қилиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Механизатор М. Мирзаев, сувчилардан Т. Умаров, Т. Худойназаров, А. Мирзаев ва бошқалар пахтакорга ҳосилни юмшатиш билан меҳнат қилиб, уқуқий ишларининг ривожига самарали ҳисса қўшмоқдалар. Яна гўзаларга камиди икки марта комплекс ишлов бериш ва шу йўл билан социалистик мажбуриятимизга яраша ҳосил етиштириш учун кураш олиб борилляпти. Мақсадимиз ҳар бир гектар ердан 45 центнердан пахта етиштириб, жонажон республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишдир. Пахтакорларимиз ана шу мақсад сари дадил йитилмоқдалар.

Нурмурод НУРАЛИЕВ,
Бекобод районидagi Ойбек номли совхознинг комплекс механизациялашган бригада бошлиғи.

БЕБАҲО ХАЗИНА

«Олтин ер тагидан қовлаб олинади, билим китобдан» деган нақл бежиз айтилмаган. Китоб — билим манбаи, инсон ақлининг чироғи, фикрлаш қурули ва хазиналар қазити. Шу сабабли улғур пролетар ёзувчиси Максим Горький китобни инсон яратган энг буюк мўъжизалардан деб атади. Дарҳақиқат, китоб кишининг энг яқин дўсти. У ўқувчини маънавий бойити, билимга билим қўшади, янги орзу-умидлар сари бошлайди.

Билим хазинасида сақланаётган адабиётлардан китобхоналарнинг тўла баҳраманд бўлиши гоёл қувончли ҳол эканлигини ўйлаб қилган улғур дўхилимиз В. И. Ленин китобларнинг ҳақ ўртасида қўн қилинишни, китобга бўлган ҳар қандай талабнинг тез қондирилишини, китоб ўқишга ва кутубхонадан фойдаланишга болалардан қўпал тортилишини фахр ва шараф деб билди. Шунинг учун ҳам дохил Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида жуда камчил бўлган мактаб дарсликлари ва илмий-оммабон адабиётларга алоҳида эътибор берди. В. И. Ленин ўшанда мамлакатимизда 50 минг кутубхона бўлишини орзу қилган эди.

Совет ҳокимияти йилларида кутубхоналар ва кутубхоначилик иши бежиз равишда тоқилди. Бугунги кунда кутубхонаси бироқ шаҳар посёлка ёки қишлоқни урғутмайди. Чунки, партия ва ҳукуматимиз кутубхоначиликни маданий қурилишнинг муҳим соҳаларидан бири деб қараб, уни тақомиллаштиришга тинмай аҳамият бериб келмоқдалар.

Бундай катта ғамхўрликни серқуёш республикамиз мисолда ҳам яққол қўришимиз мумкин. Улғур Октябрь революцияси қадар Туркистонда бор-йўғи 14 та кутубхона мавжуд эди, ҳоло. Совет Ўзбекистонинда ҳозир 5800 дан ортиқ оммавий кутубхона бор. Улар уч миллиондан ортиқ китобхонга хизмат қўрсатаётди. Ўтган йилнинг ўзига китобхоналарга 35 миллиондан ортиқ китоб тарқатилди. Пойтахт областидаги оммавий кутубхоналар хизматида эса 500 мингдан ортиқ китобхон баҳраманд бўлди.

Меҳнаткашларга кутубхона хизмати янада яхшилаш мақсадида областимизда 900 та кўча китоб тарқатиш пунктлари очилди. Жамоатчилик асосида методика советлари иш бошлади. Бундай советлар қишлоқ кутубхоналарига амалий-методик ёрдамлар беришга даъват қилинган. Бу ўринда Ўрта Чирчиқ районидagi «Ленин йўли» колхоз кутубхонаси (муҳри О. Шокирова), Оржоникидзе районидagi Байтўғон қишлоқ кутубхонаси (муҳри В. Драгунов) ва бошқа илмий-ўқувчи фаолиятлари намуна қилиб қўрсатиш мумкин. Бу кутубхоналарда жамоатчилик активларга талинган ҳолда қатор ибратли ишлар амалда ошirilдики, бу ҳол ҳатто иттифоқ миқёсида кенг ёйилди. Халқаро китоб йилдига бағишлаб Тошкентда ўтказилган Осие ва Африка мамлакатлари кутубхоначиларининг Халқаро семинари қатнашчиларига ҳам бу даргоҳларнинг иш услуби манзур бўлди.

Кутубхоначилик ишини янада тақомиллаштириш қўн жаҳдан кутубхоналарнинг моддий базасини мустаҳкамлашга боғлиқдир. Бу борада кейинги йилларда анча ишлар қилинди. Қатор илм ўқувчи янги биноларга қўчиб ўтди. Тошкент Давлат университети, Тошкент политехника институтини асосий кутубхоналари учун янги бинолар қуриб берилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг, республика илмий-медицина ва Марказий илмий қишлоқ хўжалик кутубхоналари мустаҳкам полиграфия базасига эга бўлди. Улар «Романер» машинаси, «ВЕГА» типидagi электрография аппаратлари, микрофотолар билан таъминланди.



ОҚҚУРҒОН районидagi Навоий номли колхоз ва шу райондagi 1-либ, далаларда астойдил ишламоқдалар. Култиватор қизғин давом эттиришмоқда. 2. С. Сегизбоев номли совхознинг бригада бошлиғи Н. Дўсанов ва зено бошлиғи Х. Мамедов ўртонлар гўза ҳосилини қўздан кечир-моқдалар.



Султон Сегизбоев номли совхоз пахтакорлари августини ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи деб эълон қилиб, далаларда астойдил ишламоқдалар. Култиватор қизғин давом эттиришмоқда. Ҳазалар сувга қондириляптир. Суратларда: 1. Навоий номли колхознинг илгор сувчи Соли Сутонов. 2. С. Сегизбоев номли совхознинг бригада бошлиғи Н. Дўсанов ва зено бошлиғи Х. Мамедов ўртонлар гўза ҳосилини қўздан кечир-моқдалар.

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

АҲДИМИЗ ҚАТЪИЙ

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

1 август кунини эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида саккизинчи чақирғи РСФСР Олий Советининг еттинчи сессияси ўз ишини бошлади. Депутатлар ва меҳмонлар Ю. В. Андропов, А. П. Кирпиченко, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Маузов, А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқларини самимий кутиб олдилар.

Сессияни Россия Федерацияси Олий Советининг раиси депутат В. А. Котельников очди.

РСФСРда умумий ўрта таълимга ўқишни тугаллаш чоралари ҳақидаги, халқ маорифи хусусида РСФСР қонуни лойиҳаси тўғрисидаги, давлат лойиҳаси тўғрисида РСФСР қонуни лойиҳаси ҳақидаги, РСФСР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар сессиянинг муҳокамасига тақдим этилди.

(ТАСС).

Эллик йиллик юбилей шарафига байрат билан меҳнат қилиб, умумхалқ тўғрисида заррача бўлсада ҳисса қўлиш — биз пахтакорлар учун катта бахтир. Томирлардан дарё, дарёлардан уммон вужудга келганидек, областимизнинг 420 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмони ҳам ҳар бир пахтакорнинг сидиқлидан қилган меҳнати, ҳар тўп гўзани меҳр билан парварши қилиши туфайли барпо бўлади.

Бизнинг хўжалигимиз ҳам ана шу улкан хирмон сари оқиб бораётган бир ирмоқдир. Бу ирмоқнинг ҳамма қўлиб-топиб оқилиши, ўз сувиини катта дарёга элтиши учун биз айни ҳосил тақдир ҳал қилиётган кунларда ўз қуч-қувватини сира аямой меҳнат қилишимиз.

Бизнинг бригадими 86 гектар ерда пахта етиштиришмоқда. Июль ойи бошларида биз гўзанинг ривожини ва ҳосил тўплашини қўздан кечириб, ҳар гектар ердан 50 эмас 52 центнердан «оқ олтин» етиштириб давлатга сотамиз деган қарорга келдик.

Ваъда вафоси билан гўзал, деган ҳикматли сўз бор. Биз ана шу катта ваъдани бажариш учун шу кунларда қандай меҳнат қилишимиз?

Бу йилги қўлам қандай келганини ҳаммага маълум. Биз ҳам 16 гектар ерга қичитни қайта экиб, ундириб олдик. Ана шу кечроқ экилган гўзаларини олдинги гўзаларга етказиб олиш мақсадида ҳар гай-экин қатор ора-ларига ишлов беришни, озиқлантиришни ва сугоришни ана шу

Янгйўл районидagi «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мадамин МАРАХИМОВ билан суҳбат

Майдонлардан бошладик. Шу йўл билан гўзаларнинг тез ривожланишини, бошқа майдондаги гўзалар билан бир текис ҳосилга киришиш учун ҳамма тadbирларни кўрдик. Бу ерларга қўп-қўп ишлов берилди. Мама, ҳозир барча майдондаги гўзалар бир текис ўсмоқда. Ҳосилга киришни яхши.

Азот солиш барча майдонларда июнь охиридаёқ тугалланди. Гўзалар минерал ўғит билан уч марта озиқлантирилди. Ҳаммаси бўлиб ҳар гектар ерга 600 килограмм минерал ўғит тўшди. Бу ўғит гўзани говагамайди, аксинча гўзанинг танасини мустаҳкамлайди. Ҳосилнинг тўлиқ етилишини таъмин этади.

Гўзани озиқлантириш давомидеҳқонлар гўза уч марта сугорилди. Ҳозир ҳам яхши эланган маҳаллий ўғитни суперфосфатга аралаштириб солишимиз. Сўзга паратидан ўтмайди, гўзаларни гўзага шарабат усулида оқишлади.

Гўза қатор ора-ларига ишлов беришни Тошўлат Азимжоновнинг ўтказамиз. Бу йил сувиинг таъқислигини ҳисобга олиб биз култиватор нараллигини ўрнига боруна тишли ККУ иш ора-ларини ўратдик. Шунда гўза қатор ора-лари чуқур юмшатилиб, тўп-роқ юзаси худди боро-

бошқариш ва гўза қўчатларини лобуд қилишнинг йўли билан йил-терим мавсумига қадар ҳар гектар ердан 90 минг гўздан қўчат сақлаб қўлиш ва шу йўл билан ҳар гектар ердан 52 центнердан ҳосил етиштиришни мўлажамлашимиз.

Бригадада ўн сувчи бор. Шулардан Ҳасан Умаров, Ҳошим Саиджосимов, Азиз Марахмиев ва Зокир Файзиевлар тажрибали сувчилардир. Улар бошқа сувчиларнинг ишларини ҳам кузатиб борадилар, ўз тажрибаларини ўргатадилар.

Бригадада ҳаммаси бўлиб 40 аъзо бор. Уларнинг ҳаммаси ўз ишларига маъсулйат билан қайдилар. Мама, ҳозир бир ойдан ошдик биз ҳаммаимиз дала лийловидеҳқонларнинг олинган фармида қилишга яшаб меҳнат қилишимиз. Мунаввар Маҳаммадова, Раҳбар Анбарова, Саюб Абдуллоева, Муҳаббат Улуғхўжаева ва бошқа қиз-жувонларнинг меҳнатидан айниқса мамнушимиз.

Биз гўзанинг тўлиқ сувга қонилиши таъмин этидик. Чунки, халқимиз чилда суви — тилла суви деб бежиз айтмаган. Июль ойида гўзага икки марта ишлов берилди, суперфосфат билан озиқлантирилди.

Мен областимиздаги эллик центнерлик ҳаракатига қўшилган барча бригадаларни жонажон республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилей шарафига алоҳида байрат билан меҳнат қилишга, эллик йилликка эллик центнердан «оқ олтин» тўхфа қилишга чақираман.

Иваново области

Яқинда Оржоникидзе районидagi Иваново области кунлари бўлиб ўтди. 30 дан ортиқ лектор ва «Билим» жамоатчилигининг бир неча вакиллари мусобақадор области меҳнаткашларининг ишлари ҳақида район аҳли ҳикоя қилиб бердилар. Саноат корхоналари, қурилиш таъшилотлари, колхоз, совхоз ва илмий-текшириш муассасаларида бўлиб ўтган суҳбат,

Бригадир далаи айланиб, сувчилар олдида келди. Иброҳим Усмонов эндиқина эгтарларга сув тарай бошлаган эди.

— Ҳорм, азамат чарма-апсизларми?

— Чарчап нимаси? Туида ишларнинг ўз гаши бор.

— Қўлоқ бошидан келаяман, — деди бригадир, — сув бир меёрда оқаяпти.

— Бу йилги шароит ҳар йилдиган бошқача, — деди ўқарғи бошида сув оцаётган Ҳамид Қўнонов, — суви камчилигини ҳеҳ билдирмасликка ҳаракат қилишимиз. Нариги қартага азовурдан чиққан сувини тарасак яхши бўларди.

— Бу фикрнинг жуда яхши, уердаги сув билан 10—15 гектар ердagi гўзани сугориш мумкин.

2-«Пискент» совхозининг 3-бўлими ишчилари бу йил 526

УСТА СУВЧИЛАР

гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» етиштириш ҳаракатидеҳқонлар. Июль ойида ҳосилнинг тақдирини ҳал бўлишини яхши аниқлаган бўлим пахтакорлари гўзанинг шоасини тўлга, гулини қўсакка айлантириш учун кечроқ-кундуз «ғазаларини» сувга қондиришмоқдалар.

Сув — гўзанинг қони. Ишчилар бунини жуда яхши билишди. Шунинг учун ҳам ҳар томи сувиини тежаб, исроф қилмай сарфламоқдалар.

Ҳосилдорлиқни 40 центнерга етказишга аҳд қилган Байрам Файзулов, Рисман Мухто-ров, Абдураим Турдуматовлар бошлиқ бригада аъзолари намунали ишлашляпти.

Совхозда 259 нафар сувчи бор. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти сув таъқис бўлган бу йилги шароитда зору-даги сувлардан фойдаланиш, сувларнинг беҳуда оқиб кетишига йўл қўймайлик тadbирларини кўрмоқдалар. Ана шу йўл билан 160 гектар ердagi гўза сугорилди. Совхоз далаларида 13 та насос тўхтовсиз ишлаб турипти.

Совхоз заршунослари юбилей йилида 9050 тонналик хирмон қўтариш учун гўза парварини суръатини асло бўшатишляпти.

Т. ҚОСИМОВ,
Пискент райони.

